

**АДАБИЁТ** — (арабча — адаб сўзининг кўплиги) — кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода фан ва амалиётнинг бирор соҳаси ютукларини умулаштирувчи асарлар мажмуига нисбатан кўлланилади: техникавий адабиёт, кишлок хўжалиги адабиёти, сиёсий адабиёт каби. Тор маънода инсон ва вокеликни бадиий сўз оркали чизилган образлар воситасида акс эттирувчи санъат турини англатади, у бадиий адабиёт деб хам юритилади. Адабиёт аввал оғзаки шаклда мавжуд бўлган, ёзув пайдо бўлгач, ёзма шаклга ўтган. Адабиёт сўз оркали инсон туйгу ва кечинмаларини, уни курсаб турган ижтимоий хаёт ва табиатни бутун мураккаблиги билан ифодалаш имкониятига эгадир. Шунинг учун хам у санъатнинг бошка турларига караганда оммавийрок хисобланади. Адабиётнинг етакчи уч тури — эпос, лирика ва драма мавжуд бўлиб, бадиий асарлар мана шу уч тур асосидаги жанрларда яратилади. Кейинги пайтларда адабиётшуносликда паремик тур хакида хам мулохазалар билдирилмоқда. Бадиий адабиёт санъатнинг бошка турлари каби миллийлиги, халқчиллиги ва замонавийлиги билан характерланади. Шунга кўра, адабиёт хар бир халқ маданиятининг таркибий кисми саналади.